

«04» июл 2022 йилдаги 36-сонли
Бош директор буйруғи билан тасдиқланган**ҲАЁТНИ УЗОҚ МУДДАТЛИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ****1-БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш қоидалари (бундан буён матнда Қоидалар деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, «ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг (бундан буён матнда Суғурталовчи деб юритилади) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилишнинг асосий шартларини белгилаб беради.

1.2. Мазкур Қоидаларда назарда тутилган қоидалар асосида Суғурталовчи суғурта ҳодисаси юзага келганда Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини ушбу қоидада белгиланган миқдор ва муддатларда тўлаб бериши шarti билан Суғурталовчига қоидада кўрсатилган тартиб ва ҳажмда суғурта қопламасини тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. Ушбу қоидаларга асосан суғурта шартномаси Суғурта қилдирувчининг анкета-аризаси асосида тузилади. Суғурталовчи анкета-аризанинг стандарт шаклини ишлаб чиқишга ҳақли.

1.4. Суғурта шартномаси Суғурта қилдирувчига суғурта полиси ва мазкур қоидалардан кўчирмани илова қилиб топшириш орқали тузилади.

Суғурта шартномаси суғурта полисини топшириш орқали тузилганда, суғурта полиси келишилган суғурта мукофоти тўланганидан сўнг тақдим этилади. Бу ҳолда суғурта қилдирувчининг суғурталовчи таклиф этган шартларда шартнома тузишга рози эканлиги суғурталовчидан кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва суғурта мукофоти тўлаш орқали тасдиқланади.

1.5. Суғурта шартномаси битта ҳужжатни (суғурта полиси) тузиш орқали тузилганида суғурта шартномаси битта ҳужжатда акс эттирилади ва суғурта қилдирувчига топширилади.

2-БЎЛИМ. ТУШУНЧАЛАР

Ушбу суғурта қоидада фойдаланилган атамалар қуйидаги мазмунни англатади:

Суғурта шартномаси - суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасида ёзма шаклда тузилган битим бўлиб, суғурта қилдирувчи унга мувофиқ суғурта мукофотини (суғурта бадалини) суғурта шартномасида белгиланган тартибда, муддатларда ва ҳажмда тўлайди ҳамда суғурта шартномасида ёки қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради, суғурталовчи эса суғурта шартномасида кўрсатилган муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Суғурта шартномаси суғурта полисини тақдим этиш орқали тузилади.

Суғурта полиси («Полис») – суғурта шартномаси тузилганлик фактини ва у бўйича Суғурталовчининг мажбуриятлари кучга киришини тасдиқлайдиган ҳамда Суғурта қилдирувчига суғурта шартномаси шартларига мувофиқ унинг томонидан суғурта мукофоти ёки дастлабки суғурта бадали тўланганидан кейин бериладиган ҳужжат. Суғурта шартномаси Суғурта қилдирувчига суғурта полисини топшириш орқали тузилади. Суғурта полис суғурта шартномаси ҳисобланади.

Суғурталанган шахс – фойдасига Суғурта шартномаси тузилган ва унинг ҳаёти билан боғлиқ мулкӣ манфаатлари суғурта объекти бўлган жисмонӣ шахс, агар суғурта шартномасида Наф олувчи сифатида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса.

Суғурта суммаси –Шартномада кўрсатилган ва Суғурта шартномаси бўйича Суғурталовчининг Суғурта қилдирувчи (Суғурталанган шахс/ Наф олувчи) олдидаги мажбуриятларининг энг кўп ҳажмини ифодаловчи пул маблағлари миқдори.

Суғурта мукофоти – Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта шартномасида келишилган муддат, миқдор ва шартларда Суғурталовчига тўланиши керак бўлган пул маблағлари.

Суғурта бадали –суғурта шартномасида муддат, миқдор ва шартларда тўланадиган суғурта мукофотининг бир қисми.

Суғурта қопламаси (Суғурта тўлови)– Суғурталовчи томонидан ушбу суғурта қоидада келтирилган суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта суммаси доирасида Суғурталанган шахсга (Рента олувчига/Наф олувчига) тўланадиган пул маблағлари. Суғурта тўлови ушбу қоида бўйича рента кўринишида ёки бир йўла тўлаб бериллади.

Суғурта қопламасининг кафолатланган энг кам (минимал) миқдори – ушбу қоидага мувофиқ Суғурталанган шахсга (Рента олувчи, Наф олувчига) тўланиши кафолатланган суғурта қопламаларининг энг кам миқдори.

Рента – Суғурта қопламасининг жорий тўловлари бўлиб, суғурта суммаси чегарасида Суғурталовчи томонидан Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати давомида амалга оширилади. Суғурта қоидага мувофиқ Рента тўловлари умрбод (яъни Суғурталанган шахснинг вафотига қадар) амалга оширилади ва бундан буён матнда Умрбод рента деб аталади. Юз берган суғурта ҳодисалари ва суғурта тўловларини тўлаш шартларига боғлиқ ҳолда Умрбод рента шартли тарзда олдиндан келишиб олинган ёшга етгунгача Умрбод рента ва келишиб олинган ёшга етганидан кейинги Умрбод рентага ажратилади.

Суғурта даври – муайян давр бўлиб, унинг давомида юз берган суғурта ҳодисалари Суғурталовчининг суғурта тўловлари бўйича мажбуриятларининг юзага келиши учун асос бўлади. Суғурталовчи Суғурта даври давомида юз берган суғурта ҳодисалари бўйича мажбуриятларга эга бўлади. Шартнома бўйича Суғурта даври тугаш санаси кўрсатилмаган тарзда умрбод қилиб ўрнатилади (яъни Суғурталанган шахс вафот этгунгача қадар).

Имтиёзли давр – шундай давр бўлиб, унинг давомида Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаш мажбуриятларини бузган ҳолатларда ҳам Суғурталовчининг Суғурта тўловини тўлаш бўйича мажбуриятлари тўхтатилмайди. Суғурта қоидага кўра Имтиёзли давр 30 (ўттиз) календар кунини ташкил этади.

Рента олувчи – Рента кўринишидаги суғурта қопламасини олувчи сифатида Суғурта шартномасида кўрсатилган жисмоний шахс. Агар Шартномада бошқа тартиб кўрсатилмаган бўлса, Суғурталанган шахс Рента олувчи ҳисобланади.

Наф олувчи – жисмоний шахс, Шартномада келишилган шартлар бажарилиш шarti билан Суғурта тўловларини олувчиси сифатида Шартномада кўрсатилади. Наф олувчи Суғурталанган шахс томонидан тайинланади. Агар Шартномада Наф олувчи кўрсатилмаган бўлса, Шартнома Суғурталанган шахс фойдасига тузилган ҳисобланади. Фойдасига Шартнома тузилган Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, Суғурта қоидага кўра Суғурталанган шахснинг меросхўрлари Наф олувчилар деб тан олинади, агар Шартномада бошқача тартиб кўрсатилмаган бўлса. Шартноманинг Наф олувчи фойдасига тузилиши, Суғурта қилдирувчини Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди, агар улар Наф олувчи томонидан бажарилмаган бўлса.

“Шартнома тўлиқ тўланди” – Суғурталовчининг ёзма хабарномасига кўра Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурта мукофотини тўлашнинг тўхтатилишини англатади, бунда Суғурталовчининг Суғурта шартномаси бўйича барча мажбуриятлари фактик тўланган Суғурта мукофотидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Шартнома “Шартнома тўлиқ тўланди” мақомига Суғурталовчи ёзма равишда хабардор қилинган вақтдан бошлаб ўтказилиши мумкин.

Қайтариладиган суғурта бадали – Суғурта шартномаси муддатидан аввал тўхтатилганда, ҳақиқатда тўланган суғурта мукофоти ва Суғурта шартномаси амал қилган даврда кўрсатилган суғурта хизматлари қийматига боғлиқ равишда Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига (ёки Шартномада келтирилган бошқа шахсга) тўланадиган пул маблағлари, агар бу Суғурта шартномасида кўзда тутилган бўлса.

Суғурта ҳудуди – Суғурталовчи юз берган суғурта ҳодисалари бўйича мажбуриятларга эга бўладиган ҳудуд.

3-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

3.1. Суғурталовчининг суғурта тўловини амалга ошириш мажбуриятини юзага келтирадиган Суғурталанган шахс билан юз берган воқеалар суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

3.2. Ушбу суғурта қоидага мувофиқ Суғурта ҳодисалари:

а) Суғурталанган шахснинг келишилган ёшга етгунгача қадар Умрбод рента тўловининг амалга оширилиш санасигача яшаб қолиши (“Келишилган ёшга етгунгача қадар белгиланган санагача яшаб қолиш”);

б) Суғурталанган шахснинг Декларацияда белгиланган, Келишилган ёшга етганидан сўнг Умрбод рента тўловини амалга ошириш ёшигача яшаб қолиши (“Белгиланган ёшгача яшаб қолиш”);

в) Суғурталанган шахснинг Декларацияда кўрсатилган суғурта қопламасининг кафолатланган минимал миқдорини олиш санасигача вафот этиши (“Суғурта қопламасининг кафолатланган минимал миқдорини олишгача ўлим ҳолатининг юз бериши”).

3.3. Суғурталовчи суғурта даври ва Суғурта ҳудудида юз берган суғурта ҳодисалари бўйича мажбуриятларга эга бўлади.

3.4. Суғурталовчи Суғурта тўловларини Суғурта суммаси чегарасида амалга ошириш мажбуриятига эга.

4-БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

4.1. Суғурта қилдирувчи, Суғурталанган шахс, Рента олувчи, Наф олувчининг қасддан қилинган ҳаракатлари натижасида юз берган воқеалар суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди. Суғурталанган шахснинг ўлимида айбдор бўлган ёки унинг ўлимига олиб келган оғир тан жароҳатлари етказган шахсларга Суғурта қопламаси тўланмайди. Бунда, агар Суғурталанган шахснинг ўлими ўз жонига суиқасд қилиш оқибатида юз берса ва бу вақтгача Суғурта шартномаси икки йилдан кам бўлмаган муддат амал қилган бўлса, у ҳолда бу ҳодиса Суғурта ҳодисаси сифатида кўрилади.

4.2. Суғурталовчи шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида кўзда тутилган ҳолатларда ҳам Суғурта тўловларини тўлаш мажбуриятларидан озод қилинади.

5-БЎЛИМ. СУҒУРТА СУММАСИ ВА СУҒУРТА МУКОФОТИ

5.1. Суғурта суммаси, суғурта қопламасининг кафолатланган минимал миқдори, йиллик суғурта мукофоти ва ҳар бир Суғурталанган шахс бўйича суғурта қопламасининг бошқа тавсифлари суғурта полиси ва Декларацияда келтирилади.

5.2. Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан қуйидаги тартибда тўланади:

№	Тўловнинг охириги муддати:	Суғурта мукофоти тўловининг минимал миқдори, сўм
1	Шартнома тузилган кундан бошлаб 30 календар кундан кечиктирмасдан	Декларацияда кўрсатилган йиллик суғурта мукофотидан кам бўлмаган миқдорда
2	363 кундан олдин бўлмаган ҳолда, аввалги суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушган санадан бошлаб	Декларацияда кўрсатилган йиллик суғурта мукофотидан кам бўлмаган миқдорда

Суғурта қилдирувчининг ўзи мунтазам тўланадиган ойлик суғурта бадаллари миқдорини мустақил белгилайди, бироқ уларнинг умумий миқдори, ўсиб борувчи натижа билан, Декларацияда кўрсатилган йиллик суғурта мукофотидан кам бўлмаслиги керак.

Суғурта қилдирувчи Суғурталовчини хабардор қилиш ва ойлик суғурта бадаллари тўлашни тўхтатиш билан Суғурта шартномасини тўлиқ тўланган мақомига ўтказиш ҳуқуқига эга. Шундан сўнг Суғурта шартномаси тўлиқ тўланган деб ҳисобланади ва суғурталанган шахснинг Декларациянинг 2-бўлимида кўрсатилган ёшга етгунига қадар рента тўловлари Декларациянинг 1-бўлимида кўрсатилган рента тўловларининг умумий миқдори лимитининг рента тўловлари миқдорига етгунига қадар амалга оширилади. Бунда, агар Суғурталанган шахснинг ёши Декларациянинг 2-бўлимида кўрсатилган ёшга етган бўлсаю, 1-бўлим бўйича рента тўловлари тугалланмаган бўлса, у ҳолда мазкур Суғурталанган шахс учун Декларациянинг 2-бўлими бўйича рента тўловлари Декларациянинг 1-бўлими бўйича рента тўловларининг тугатилиш йилидан кейинги йил келгунига қадар сурилади ва бунда ушбу суғурталанган шахс учун Декларациянинг 2-бўлими бўйича Суғурта мукофоти ва суғурта суммаси қайта ҳисоблаб чиқилади.

5.3. Суғурта қилдирувчи томонидан навбатдаги суғурта бадали тўлови ёки Суғурталовчи томонидан рента тўловларини тўлаш кечиктирилган ҳолатларда Тарафларнинг жавобгарлиги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

5.4. Суғурта мукофотини тўлаш

5.4.1. Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) суғурта мукофотини Суғурталовчига қуйидаги йўл билан тўлайди:

а) Суғурталовчининг банкдаги ҳисоб рақамига нақдсиз пул ўтказиш ёки нақд пул ўтказиш йўли билан, ушбу Суғурта қоидасининг 5.2-бандига мувофиқ;

б) Шартномани тузиш вақтида Суғурталовчининг кассасига ёки Суғурталовчининг агентига нақд пул тўлаш орқали;

в) Суғурта қилдирувчининг ихтиёрига кўра унинг иш жойидаги бухгалтерия орқали иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлардан ушлаб қолиш йўли билан Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш.

5.4.2. Суғурта мукофоти ёки 5.2-бандда келтирилган унинг қисми Суғурталовчининг банкдаги ҳисоб рақамига тушган кундан бошлаб тўланган ҳисобланади.

5.5. Суғурта мукофотининг муддатида тўланмаслиги

5.5.1. Агар биринчи суғурта бадали Суғурталовчининг банк ҳисоб рақамига ушбу Суғурта қоидасида кўрсатилган муддатда тегишли равишда келиб тушмаса, Суғурта шартномаси бекор қилинган деб ҳисобланади, агар шартнома тарафлари томонидан тўлов муддатларини ўзгартириш борасида қўшимча келишувга эришилмаган бўлса.

5.5.2. Навбатдаги бадал тўлови Шартномада келишиб олинмаган ҳар қандай сабаб бўйича бир ойдан кўп муддатга кечиктирилса ва суғурта бадалларини тўлаш даврийлигини ўзгартириш бўйича келишув мавжуд бўлмаса, у ҳолда Суғурталовчи Шартномани бир тарафлама бекор қилиш ёки суғурта суммаси миқдорини

ҳақиқатдан тўланган суғурта бадалларига мувофиқ камайтириш ҳуқуқига эга.

6-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Шартнома тарафлар имзолаган кундан эътиборан кучга киради ва Суғурта даври тугагунга қадар амал қилади. Суғурта қоидаси бўйича суғурта даври тугаш санаси кўрсатилмаган ҳолда, умрбод (яъни, Суғурталанган шахснинг вафотига қадар) ўрнатилади.

6.2. Суғурта мукофоти (суғурта бадали) ўз вақтида тўланган шартларда, Суғурталовчининг мажбуриятлари Декларацияда кўрсатилган (суғурта даври бошланган) санадан бошлаб кучга киради ва Суғурта даври тугагунга қадар амал қилади.

6.3. Полис биринчи суғурта бадали тўланган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни давомида берилади.

6.4. Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурта полиси йўқотилган ёки яроқсиз ҳолатда келтирилган бўлса, унинг ёзма аризасига биноан унинг дубликати берилиши мумкин. Дубликат берилгандан сўнг йўқотилган Суғурта полиси бекор қилинади.

6.5. Агар Суғурта шартномаси бўйича Суғурта қилдирувчи шахс Шартнома амал қиладиган муддат ичида суд томонидан лаёқатсиз ёки лаёқати чекланган деб тан олинса, Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари унга васий ёки ҳомий шахснинг зиммасига ўтади.

7-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Суғурталанган шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) Шартномани тузишда ўз ихтиёри билан Наф олувчини тайинлаш;
- б) Шартноманинг амал қилиш даврида Наф олувчини ўзгартириш;
- в) Суғурта қилдирувчидан Шартномани амал қилиш шартларидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар сўраш;
- г) Суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталовчидан Шартнома бўйича қабул қилган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб этиш;
- д) Суғурта қилдирувчи вафот этганда ёки Суғурта қилдирувчи Шартномадан воз кечганда, Шартномани қайта расмийлаштириш юзасидан Суғурталовчига мурожаат қилиш.

7.2. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

- а) Суғурталанган шахсни ёки Суғурта пуллари миқдорини ёки Шартноманинг бошқа шартларини ўзгартириш (Суғурталанган шахснинг розилиги билан);
- б) Шартномада кўрсатилган Наф олувчини бошқа шахсга ўзгартириш, бу ҳақда Суғурталовчини ёзма тарзда хабардор қилиши зарур. Суғурталанган шахснинг розилиги билан тайинланган Наф олувчини ўзгартиришга фақат Суғурталанган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади.

7.3. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

- а) Суғурталанган шахс ва Наф олувчини Шартнома шартлари билан таништириш ва Шартнома амал қилиш муддатида киритилган ўзгартиришлар ҳақида уларни хабардор қилиш;
- б) Суғурталанган шахс ўзгартирилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 944-моддасига мувофиқ унинг розилигини олиш, бунда Суғурта қилдирувчи томонидан суғурталанган шахсни ўзгартириш учун берилган ёзма аризаси ўзгартирилаётган Суғурталанган шахс томонидан берилган розилик сифатида кўрилади;
- в) Суғурта мукофотини (Суғурта бадалларини) ўз вақтида тўлаш;
- г) Шартноманинг амал қилиш даврида Суғурталовчини суғурта қилиш учун аризада кўрсатиб ўтилган барча маълумотлардаги унга маълум бўлган ўзгаришлар тўғрисида зудлик билан хабардор қилиш;
- д) Суғурта ҳодисаси содир бўлганда ушбу суғурта қоидасида белгиланган тартибда Суғурталовчини хабардор қилиш.

7.4. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

- а) Суғурталанган шахсни тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш ва касаллик тарихини ўрганиш;
- б) Суғурталанган шахс/Наф олувчи томонидан тўловлар юзасидан талаблар даъво қилинганда, Суғурта қилдирувчининг зиммасида бўлган, бироқ унинг томонидан бажарилмаган мажбуриятларни ҳам қўшган ҳолда, Суғурталанган шахс/Наф олувчидан Суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш. Мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки аввалроқ бажарилиши керак бўлган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилмаслик қалтисликлари учун Суғурталанган шахс (Наф олувчи) жавобгар бўлади;
- в) агар Суғурта қилдирувчи, Суғурталанган шахс (Наф олувчи) Суғурта ҳодисаси деб эътироф этиш учун зарур бўладиган барча ҳужжатларни ва маълумотларни тақдим этмаса ёки ёлғон далилларни тақдим этса, суғурта пулини тўлашни рад этиш. Бунда Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи, Суғурталанган шахс (Наф олувчи)ни Суғурта ҳодисаси деб эътироф этиш учун зарур бўлган тақдим этилмаган ҳужжатлар ва/ёки

маълумотлар ҳақида хабардор қилиш бўйича барча чора-тадбирларни қўллаши ёки ёлғон далиллар тақдим этган ёзма ҳужжатлар билан исботлаб бериши талаб этилади;

г) қалтисликларни кўпайишига олиб келадиган ҳолатлар ҳақида хабар берилган тақдирда қўшимча суғурта бадали тўланишини ёки Суғурта шартномаси шартларига ўзгартиришлар киритилишини талаб қилиш. Агар Суғурта қилдирувчи Суғурта шартномаси шартларига ўзгартиришлар киритилишига ва суғурта бадали миқдорини оширилишига эътироз билдирса, Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида кўзда тутилган тартибда Суғурта шартномасини бекор қилишни талаб этиш.

7.5. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

а) Суғурта қилдирувчини суғурта шартлари билан таништириш;
б) Суғурта шартномасида кўрсатилган муддатларда Суғурта полисини бериш;
в) Суғурта ҳодисаси содир бўлганда ушбу суғурта қоидада белгилаб берилган тартиб ва муддатларда Суғурта пулини тўлаб бериш;

г) Суғурта шартномасининг амал қилиш даврида Суғурта қилдирувчидан олинган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш, Суғурта қилдирувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ахборот тақдим этиши шарт бўлган ҳолатлар ёки Суғурталовчи Суғурта қилдирувчининг ёзма рухсатига эга бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

8-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАЪВОЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

8.1. Суғурта ҳодисаси деб эътироф этилиши мумкин бўлган воқеа содир бўлиши натижасида Суғурталовчининг Суғурта пулини тўлаш мажбуриятлари юзага келган ҳолатда Суғурта қилдирувчи (Суғурталанган шахс ёки Наф олувчи) қуйидагиларга мажбур:

а) суғурта ҳодисаси содир бўлган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календар кун ичида суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиш;

б) ёзма хабарномага қуйидаги 8.2-бандда кўрсатилган ҳужжатларни (ариза, хат ва б.) илова қилиши шарт.

8.2. Содир бўлган ҳодисага боғлиқ равишда ёзма хабарномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

8.2.1. “Келишилган ёшга етгунга қадар белгиланган санагача яшаб қолиш” да:

а) Суғурта шартномасининг рақами, санаси ва суғурта полиси, ёхуд Полисининг аслини кўрсатиш;

б) Суғурталанган шахс Суғурталовчига паспортининг нусхаси (асли кўрсатиш учун тақдим этилади) шахсан тақдим этиши;

8.2.2. “Белгиланган ёшгача яшаб қолиш” да:

а) Суғурта шартномасининг ва суғурта полисининг рақами ва санаси, ёхуд Полисининг аслини кўрсатиш учун;

б) Суғурталанган шахс паспорти нусхаси (асли кўрсатиш учун тақдим этилади);

в) Суғурталанган шахснинг шахсан ўзининг иштироки.

8.2.3. “Суғурта қопламасининг кафолатланган минимал миқдорини олишгача ўлим ҳолатининг юз бериши” да:

а) Полисининг асли;

б) ўлим тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (асли кўрсатиш учун тақдим этилади);

в) Наф олувчи паспортининг нусхаси (асли кўрсатиш учун тақдим этилади).

8.3. “Белгиланган ёшгача яшаб қолиш” суғурта ҳодисаси бўйича суғурталанган шахснинг ҳаётлиги вақт-вақти билан, навбатдаги рента тўловини амалга ошириш муддатидан 30 (ўттиз) календар куни давомида Суғурталанган шахснинг яшаш жойидан олинган маълумотнома билан тасдиқлаб турилади (агар шахсан ўзи иштирок этишининг имкони бўлмаса). Бунда маълумотномани тақдим этиш даврийлиги қуйидаги тарзда белгиланади

а) йилда бир марта – агар Умрбод бериладиган рента тўлови такрорланиши ярим йилдан кам бўлса;

б) ярим йилда бир марта – агар Умрбод бериладиган рента тўлови такрорланиши ярим йилдан кам бўлмаса.

Агар Суғурталанган шахс тириклиги тасдиқлангандан сўнг вафот этса ва навбатдаги рента тўлови унинг ўлимидан сўнг амалга оширилган бўлса, Суғурталовчи билмасдан ўтказиб юборган рента тўловининг қайтарилишини талаб этиш ҳуқуқига эга.

8.4. Ҳар қандай шароитда ҳам суғурта қопламасини тўлаб бериш шарт бўлган ҳодисаларда Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи)нинг аризасисиз, суғурта товонларини тўлашнинг соддалаштирилган тартибидан фойдаланилиши мумкин, хусусан шартномани “Шартнома тўлиқ тўланган” мақомига ўтказгунгача бўлган даврда ҳам. Бунда Суғурталовчига Суғурталанган шахснинг ўлими тўғрисидаги билдиришноманинг берилмаслиги, Суғурталанган шахснинг белгиланган санагача яшаб қолиши ҳақидаги хабарномага тенгдир.

8.5. “Кафолатланган минимал суғурта миқдорини олгунга қадар ўлим ҳолатининг юз бериши” суғурта ҳодисаси бўйича барча зарур ҳужжатларни олгандан сўнг Суғурталовчи суғурта ҳодисаси тўғрисида Далолатнома тузади. Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномани тузиш учун суғурталовчи, зарурият бўлса, мустақил равишда Суғурта ҳодисаси билан боғлиқ маълумотларни олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ва суғурта ҳодисаси ҳолатлари бўйича ахборотларга эга бўлган бошқа муассаса ва ташкилотларга мурожаат этиш ҳамда суғурта ҳодисаси сабаблари ва жиҳатларини мустақил суриштириш ҳуқуқига эга.

8.6. Агар суғурталанган шахснинг ўлимига сабаб бўлган фактлар бўйича жиноят иши очилган бўлса ёки суд жараёни бошланган бўлса, у ҳолда Суғурта қопламасини тўлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш тергов ва суд жараёнлари тугагунга қадар кечиктирилиши мумкин.

8.7. Суғурта қопламасини тўламаслик тўғрисидаги қарор ҳақида Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи)га ёзма равишда тўлашдан бош тортиш сабабларини далилий асослаб берган, барча зарур ҳужжатларни тақдим этган ҳолда Суғурта суммаси тўлови учун мурожаат қилинган кундан кейин 15 (ўн беш) кун давомида хабар берилади.

9-БЎЛИМ. СУҒУРТА СУММАСИ МИҚДОРИ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Умрбод рента тўлови Суғурталовчи томонидан Декларацияда кўрсатилган даврийликда амалга оширилади, фақат суғурта мукофотини (Суғурта бадалларини) Суғурта шартномасида белгилаб берилган миқдорларда ва келишилган муддатларда тўланган тақдирда.

9.2. Содир бўлган Суғурта ҳодисасига ва Суғурта тўловлари шартларига боғлиқ ҳолда, Умрбод рента шартли равишда декларациянинг 1-бўлимида кўрсатилган ёшга етгунга қадар Умрбод рента ва бу ёшга тўлгандан кейинги Умрбод рентага бўлинади.

9.3. Суғурта пулининг миқдори қуйидаги тартибда аниқланади:

9.3.1. " Келишилган ёшга етгунга қадар белгиланган санагача яшаш " ҳолатида - Суғурта тўлови Декларациянинг 3-бўлимида кўрсатилган миқдорда келишилган ёшга қадар Умрбод рента шаклида тўланади. Суғурталанган шахсга Суғурта тўлови келишилган ёшга етгунга қадар тўланади:

а) " Кафолатланган минимал суғурта миқдорини олгунга қадар ўлим ҳолатининг юз бериши " суғурта ҳодисаси содир бўлишидан олдин;

б) Суғурта мукофотини тўлаш тугагунга қадар Декларациянинг 1.1-бандига мувофиқ суғурта қопламасининг тўланган даврини ҳисобга олган ҳолда.

9.3.2. “Белгиланган ёшгача яшаб қолиш” да - суғурта тўлови энг кам Кафолатланган минимал суғурта миқдори ва Келишилган ёшга етгандан кейин рента тўловларининг бошланишига нисбатан аслида тўланган суғурта тўловларининг умумий миқдори ўртасидаги фарқнинг декларациясида кўрсатилган фоиз миқдорида келишилган ёшга етгандан кейин умрбод рента шаклида амалга оширилади.

Келишилган ёшга етгандан сўнг, агар шартномада рента тўловининг кафолатланган муддати назарда тутилмаган ва декларацияда кўрсатилмаган бўлса, умрбод (яъни суғурталанган шахс вафотигача) амалга оширилади.

9.3.3. " Кафолатланган минимал суғурта суммасини олгунга қадар ўлим ҳолатининг юз бериши " – суғурта тўлови суғурталанган шахс вафот этган тақдирда суғурта даъвоси қўйилган санага суғурта қопламасининг энг кам кафолатланган суммаси ва фактик тўланган суғурта қопламаси умумий суммаси ўртасидаги фарқ миқдори бўйича бир марталик тўлов сифатида амалга оширилади.

9.4. Умрбод рента пули (келишилган ёшга етгунга қадар ва унга тўлгандан кейинги) Суғурталовчи томонидан Рента олувчига декларацияда кўрсатилган “Тўловларни бошлаш санаси”дан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида тўланади, ушбу суғурта қоидасининг 8-бўлимида санаб ўтилган зарур барча ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этиш шarti билан.

9.5. Агар Шартнома бўйича Рента тўловининг кафолатланган даври белгиланган бўлса, Умрбод рента қуйидагича тўланади:

а) рента тўловининг кафолатланган даври тугагунга қадар, агар Суғурталанган шахснинг ўлими Рента тўловининг кафолатланган даврининг охириги санаси сифатида белгиланган санага қадар юз берса;

б) Суғурталанган шахснинг вафот этган санасига қадар, агар Суғурталанган шахснинг ўлими Рента тўловининг кафолатланган даврининг охириги санаси сифатида белгиланган санадан кейин юз берган тақдирда.

Рента тўловининг кафолатланган даври ёш бўйича биринчи рента тўлови амалга оширилган кундан бошланиб, Тарафларнинг келишувчига биноан белгиланган кун билан тугайди ва Декларацияда кўрсатилади.

9.6. Рентани тўплаш даври ёки тўлаш даврида Суғурталанган шахснинг ўлими юз берганда, рентани олиш ҳуқуқи мерослик бўйича ўтмайди.

9.7. Агар суғурталанган шахснинг вафотидан сўнг, Шартнома унинг фойдасига тузилган Наф олувчи вафот этса, Суғурта қопламаси Суғурталанган шахснинг меросхўрларига тўланади.

10-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИ ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ШАРТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ

10.1. Суғурта полисини қайта расмийлаштириш ёзма равишда амалга оширилади.

10.2. Умрбод рента миқдорлари ва шартларини ўзгартириш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

- а) Шартномани “Шартнома тўлиқ тўланди” мақомига ўтказишда;
- б) Шартномани “Шартнома тўлиқ тўланди” мақомидан чиқаришда;
- в) Шартнома бўйича Суғурталанган шахс алмаштирилганда.

10.2.1. Умрбод рента миқдорлари ва шартларини ўзгартириш ёзма равишда қўшимча келишув тузиш йўли билан амалга оширилади..

10.2.2. Шартномани “Шартнома тўлиқ тўланди” мақомига ўтказиш.

а) Суғурта қилдирувчи Шартномани “Шартнома тўлиқ тўланди” мақомига ўтказиш мақсади ҳақида Суғурталовчини мўлжаллаган ўзгаришлар киритилишидан 5 (беш) иш куни ичида хабардор қилиши шарт;

б) Суғурталовчи Умрбод рента шартлари ва миқдорларни қайта ҳисоб-китоб қилади

10.2.3. Шартномани “Шартнома тўлиқ тўланди” мақомидан чиқариш.

а) Суғурта қилдирувчи Шартномани “Шартнома тўлиқ тўланди” мақомидан чиқариш мақсади ҳақида Суғурталовчини кўзда тутилган ўзгаришлар киритилишидан 5 (беш) иш куни ичида хабардор қилиши шарт;

б) Суғурталовчи Умрбод рента шартлари ва миқдорларни қайта ҳисоб-китоб қилади;

10.2.4. Шартнома бўйича Суғурталанган шахс алмаштирилганда.

а) Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига фактик ўзгартиришлар кучга киришидан 5 (беш) иш куни муддатдан кечиктирмасдан Суғурталанган шахслар рўйхатини тақдим этиши шарт;

б) Суғурталовчи Умрбод рента шартлари ва миқдорларни қайта ҳисоб-китоб қилади.

11-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ

11.1. Суғурта шартномаси исталган пайтда муддатидан аввал Тарафлар ёзма равишда хабардор қилинган ҳолда ва Ўзбекистон Республикасининг қонунлари талабларига кўра бекор қилиниши мумкин.

11.2. Шартнома қуйидаги ҳолатларда бекор қилинади:

а) Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда;

б) Суғурталовчи Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариб бўлганида;

в) Биринчи Суғурта бадалини тўлаш муддатлари 30 (ўттиз) календар кунидан зиёдга кечиктирилганда;

г) Суғурта қилдирувчи Суғурта шартномасидан бош тортганда. Бунда Суғурта қилдирувчи исталган пайтда, агар бу вақтда суғурта ҳодисасининг юз бериш эҳтимоли йўқолмаган бўлса, Суғурта шартномасидан воз кечиш ҳуқуқига эга;

д) Шартнома суд қарори билан ҳақиқий эмас деб топилганда;

е) Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

11.3. Шартнома Суғурталанган шахсга нисбатан бекор қилиниши мумкин, қачонки Суғурталанган шахсининг “Суғурта қопламасининг кафолатланган минимал миқдорини олгунга қадар вафот этиши” Суғурта ҳодисаси бўлмаган бошқа сабаблар туфайли Суғурталанган шахс Шартномадан чиқарилса ёки вафот этса. Бунда Суғурта қилдирувчига Қайтариладиган суғурта бадали тўланмайди.

11.4. Шартнома муддатидан аввал бекор қилинган ёки тўхтатилганда суғурталовчи ушбу суғурта қоидасининг 12-бўлимида кўзда тутилган тартибда Қайтариладиган суғурта бадалини тўлайди.

11.5. Агар Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига қалтислилик даражасини аниқлашга таъсир кўрсатувчи шак-шубҳасиз ёлғон маълумотларни тақдим этган бўлса, Суғурта шартномаси қонуний кучга эга эмас деб ҳисобланади.

12-БЎЛИМ. ҚАЙТАРИЛАДИГАН СУҒУРТА БАДАЛИ

12.1. Шартномани бекор қилиш ёки тугатиш муддатларига боғлиқ ҳолда, Қайтариладиган суғурта бадали шартнома бекор қилинган ёки тугатилган санагача шаклланган ҳаёт суғуртаси бўйича мукофотлар захирасига (ҲЖР и ҲР) нисбатан фоизларда белгиланади, шартномани бекор қилиш ёки тугатиш санасигача тўланмаган суғурта мукофотини чиқариб ташлаган ҳолда.

12.2. Қайтариладиган суғурта бадали Суғурта қилдирувчига қуйидаги ҳолларда тўланади:

а) Шартнома муддатидан аввал бекор қилинганда;

б) Шартномани “Шартнома тўлиқ тўланди” мақомига ўтказмасдан, Суғурта мукофоти (Суғурта бадали)ни тўлаш тўхтатилганда.

12.3. Шартноманинг амал қилиш муддатларига боғлиқ равишда, Суғурта қилдирувчига тўланадиган Қайтариладиган суғурта бадали шартномани бекор қилиш ёки тўхтатиш санасигача шаклланган ҳаёт суғуртаси бўйича мукофотлар захираси билан Шартномани бекор қилиш ёки тўхтатиш санасигача суғурта мукофотлари бўйича тўпланган қарзлар ўртасидаги фарқ бўйича фоизларда, қуйидаги тарзда белгиланади:

- а) 35% – Шартнома тўлиқ 2 йил амал қилган;
- б) 40% – Шартнома 2 йил + 1 кундан 4 йилгача амал қилган;
- в) 50% – Шартнома 4 йил + 1 кундан 6 йилгача амал қилган;
- г) 65% – Шартнома 6 йил + 1 кундан 8 йилгача амал қилган;
- д) 80% – Шартнома 8 йилдан зиёд амал қилган.

12.4. Агар “Белгиланган ёшгача яшаб қолиш” суғурта ҳодисаси юз берган Суғурталанган шахсларга нисбатан Шартнома тугатилса ёки бекор қилинса, Суғурта қилдирувчига Қайтариладиган суғурта бадали тўланмайди.

12.5. Юқорида келтирилган фарқ бўйича 95% миқдордаги Қайтариладиган суғурта бадали куйидаги ҳолда тўланади:

- а) Суғурта қилдирувчининг вафот этганда Суғурталанган шахсга, агар шартнома бошқа Суғурта қилдирувчи номига қайта расмийлаштирилмаган бўлса;
- б) Шартнома суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганда Суғурта қилдирувчига.

12.6. Қайтариладиган суғурта бадали тўлови ёзма ариза асосида, барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб 15 (ун беш) иш куни ичида амалга оширилади.

13-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

13.1. Тарафлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

13.2. Тарафлар, агар улар томонидан Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслик енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларидан келиб чиққан тақдирда, жавобгарликдан озод қилинади. Енгиб бўлмас куч ҳолатлари таъсирига учраган тараф кўрсатилган ҳолатларнинг юзага келганлиги ва улар таъсирининг давом этиш эҳтимоли ҳақида бошқа томонни 30 (ўттиз) кун ичида тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган ҳолда хабардор қилиши шарт.

13.3. Агар форс-мажор ҳолатлар 3 (уч) ойдан ортиқ давом этса, Тарафларнинг ҳар бири Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлади

14-БЎЛИМ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

14.1. Агар Суғурта қилдирувчи (Суғурталанувчи шахс ёки Наф олувчи)нинг манфаатларига дахлдор алоҳида шартлар ва/ёки жиҳатлар Шартномада ўз ифодасини топмаган бўлса, у ҳолда Суғурталовчи ўз ихтиёрига кўра, ўзаро муросага келтирувчи қарорни қабул қилиш ҳуқуқига эга.

14.2. Шартномада кўзда тутилган масалалар бўйича низолар, талаблар ёки келишмовчиликлар ёки уларнинг бажарилишига оид тегишли бузилишлар, тўхтатиш ёки амал қилмасликлар юзага келган ҳолларда, Тарафлар уларни музокаралар йўли билан ҳал этиш чораларини кўрадилар.

14.3. Агар низолар, талаблар ёки келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари шартларига кўра ҳал қилиниши керак.

14.4. Шартномада ўз ифодасини топмаган масалалар ва муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ тартибга солинади.

15-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

15.1. Шартномадаги Тарафларнинг ҳеч бири, бошқа Тарафнинг олдиндан рухсатисиз, Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи шахсларга ўткази олмайди.

15.2. Шартнома тузиш вақтида Суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган барча ҳужжатлар шартноманинг ажралмас ва таркибий қисмлари ҳисобланади.

Утверждено приказом Генерального директора
№36 от «04» июля 2022 года

ПРАВИЛА ДОЛГОСРОЧНОГО СТРАХОВАНИЯ ЖИЗНИ

РАЗДЕЛ 1. ОБЩИЕ ПОЛОЖЕНИЯ

1.1. Настоящие Правила долгосрочного страхования жизни (далее по тексту - Правила) разработаны в соответствии с законодательством Республики Узбекистан, Уставом АО «ALFA LIFE INSURANCE» (далее по тексту - Страховщик) и определяют основные условия долгосрочного страхования жизни.

1.2. В соответствии с условиями, предусмотренными в настоящих Правилах, Страховщик принимает на себя обязательства по осуществлению страховых выплат при наступлении страховых случаев с Застрахованным лицом в указанном ниже порядке и объеме, при условии, что Страхователь обязуется уплатить страховую премию в размере и сроки.

1.3. По настоящим Правилам договор страхования заключается на основании письменного анкеты-заявления Страхователя. Страховщик может разрабатывать стандартные формы анкеты-заявления.

1.4. Договор страхования заключается путем вручения Страхователю полиса страхования с приложением выписки из Правил страхования.

При заключении договора страхования путем выдачи полиса страхования, полис страхования выдается после оплаты Страхователем оговоренной страховой премии. Согласие Страхователя на заключение договора страхования на предложенных условиях страхования подтверждается оплатой страховой премии и принятием полиса страхования.

1.5. В случае заключения путем оформления одного документа (Полис страхования), договор страхования составляется в одном документе, который подписывается сторонами договора страхования с последующей выдачей полиса страхования.

РАЗДЕЛ 2. ОПРЕДЕЛЕНИЯ

